

**«ТУРОНБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ  
НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ  
БАЁНИДАН КЎЧИРМА**

---

2021 йил 11 декабрь  
соат 11:00

АС-4

Тошкент шаҳри Абай  
кўчаси, 4<sup>а</sup> -уй

Чиқарилган овоз берувчи акцияларнинг умумий сони:  
875 643 404 дона.

Жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг умумий сони:  
875 643 404 дона.

Йиғилишда қатнашиш учун рўйхатга олинган овоз берувчи  
акцияларнинг умумий сони: 867 584 747 дона.

Йиғилишда қатнашганлар сони: Акциядорлар ва уларнинг  
номидан қатнашаётган вакиллар сони 4 киши.

**Жумладан:** ишончнома орқали қатнашаётган вакиллар сони -  
3 киши ва ўз номидан қатнашаётган акциядорлар сони – 1 киши.

**КВОРУМ – 99,05%**

Шунингдек, банк Кенгаши аъзолари, Бошқарув Раисининг биринчи  
ўринбосари А.Т.Ташев ҳамда банк Бошқаруви аъзолари, департамент  
директорлари иштирок этдилар.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига банк  
Кенгаши раиси Ж.Х.Каршибаев раислик қилди.

Йиғилиш котиби: **Ж.Б.Ботиров**

Умумий йиғилиш саноқ комиссияси раиси «Туронбанк» АТБ Банк  
хавфсизлиги ва ахборотларни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи  
в.б – Тангнибердиев Нуриддин Ибрагимович; Саноқ комиссия  
аъзолари эса «Туронбанк» АТБ Ҳазначилик ва қимматли қоғозлар  
департаменти директори в.б.- Ахмедов Тохиржон Хасанжон ўғли,  
«Туронбанк» АТБ Чакана хизматлар кўрсатиш департаменти директори  
ўринбосари – Вахабов Элдор Бахтиёр ўғлилар акциядорларнинг  
овозларини ҳисоблаш ва йиғилиш кворуми мавжудлигини аниқлаш  
бўйича иш олиб бордилар.

.....

**Умумий йиғилишга Раислик қилувчи Ж.Х.Каршибаев**  
Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва  
акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунига ҳамда  
«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Уставига амал қилиб, банк  
акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини 2021 йил  
11 декабрь куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги,

Йиғилишни ўтказиш тўғрисидаги хабар ва йиғилиш кун тартиби 2021 йил 19 ноябрда «Народное слово» газетасининг 241(7990)-сонида ҳамда 2021 йил 20 ноябрда «Халқ сўзи» газетасининг 249(8029)-сонида, корпоратив ахборотлар ягона порталида (openinfo.uz), «Тошкент» Республика фонд биржасининг расмий веб сайтида (www.uzse.uz), «Туронбанк» АТБнинг расмий веб сайтида (www.turonbank.uz) эълон қилинганлигини ва қонунда белгиланган тартибда акциядорларга хабар берилганлигини ҳамда барча ташкилий тадбирлар тўлиқ амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтди.

Йиғилиш ҳайъатига банк Кенгаши аъзолари – Қаршибаев Жасур Хазраткулович, Олимжонов Одил Олимович ва Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари Ташев Азиз Тахировичлар ҳамда йиғилиш котибиятига Ботиров Жамшид Ботировичлар сайландилар.

### **КУН ТАРТИБИ:**

Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартиби қуйидагича эълон қилинган:

1. Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши саноқ комиссияси шахсий таркибини тасдиқлаш.

2. «Туронбанк» АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2021 йил 1 ноябрдаги топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида банкнинг тақсимланмаган фойдасини тақсимлаш тўғрисида.

4. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

5. Банк балансидан ташқари ҳисобрақамига олинган активларни ҳисобдан чиқариш.

6. «Туронбанк» АТБ Кузатов Кенгаши ва Қўмиталари, Кенгаш Раиси ва аъзолари фаолиятини баҳолаш Қоидалари»ни тасдиқлаш.

7. «Туронбанк» АТБ Кузатов Кенгаши аъзоларини мукофотлаш тўғрисида»ги Низомни янги таҳрирда тасдиқлаш.

8. «Туронбанк» АТБ Бошқаруви тўғрисидаги Низом»га киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.

Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилган **учинчи масаласи** юзасидан мажлис Раиси сўзни Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот департаменти директори в.б. Бозоров Шерзод Эшмановичга сўз берди. Жумладан, маърузачи қуйидагиларни гапирди: